Методик қўлланма

Олий таълимдан кейинги таълим: хорижий тажриба ва миллий амалиёт





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378.09(072)(075)
КБК: 74.58я7
И – 25
Иброҳимов, Фирдавс
Олий таълимдан кейинги таълим: хорижий тажриба ва миллий амалиёт [Матн]: методик қўлланма / Ф.Иброҳимов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024. – 32 б.

ISBN 978-9910-9632-8-5

Мазкур методик қўлланма олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш борасидаги хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий таҳлили, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳамда илмий тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ўз ичига олади.

Қўлланмадан соҳага масъул раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиб келаётган изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.09(072)(075)
КБК: 74.58я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9632-8-5

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Сўнгги йилларда глобаллашув ҳамда рақамли ахборот тизимларининг жадаллик билан ривожланиши асосида таълим соҳасида инқилобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. 1990 йилларда таълим ўқувчиларга муайян фан предметларига оид бошланғич назарий тушунчаларни тақдим этишга урғу берган бўлса, бугунги кунда таълим мазмуни ҳамда структураси жиддий ўзгаришларга юз тутмоқда. Ўрта таълим соҳасида бундай ўзгаришларни XXI аср таълим кўникмалари каби янгича лойиҳаларда кўриш мумкин. Шу билан бирга, бундай туб ўзгаришлар олий таълимдан кейинги таълимни ҳам четлаб ўтмаяпти. XXI асрда тадқиқотчи ва олим ким, унинг ижтимоий ҳамда касбий фаолияти нималардан иборат бўлиши керак? Сермаҳсул тадқиқотчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун тадқиқотчиларни қай тартибда тайёрлаш ҳамда уларни қандай кўникмалар билан қуроллантириш зарур? Бу каби саволлар бугунги кунда олий таълимдан кейинги таълимдаги ўзгаришларнинг асосий локомотиви бўлиб хизмат қилмоқда. Буни саноат ва олий таълим муассасаси ҳамкорлиги (university-industry cooperation) ҳамда ақл марказлари аҳамияти ошиши каби мисолларда ҳам кўришимиз мумкин.

Сўнгги ўн йилликларда ривожланган мамлакатлар илмий даражали кадрлар тайёрлашга кўпроқ инвестиция киритмоқда. Боиси, жамиятнинг барча соҳаларидаги тараққиёт эндиликда ўтмишдагидан-да кўпроқ илмий салоҳиятга боғлиқ бўлиб бормоқда. Қолаверса, инсоният олдида турган ва тобора ўткирлашиб бораётган жуда кўплаб глобал муаммолар ҳам илмий тадқиқотчиликка кучли стимул бермоқда. Польшалик таниқли футуролог олим Станислав Лем таъбири билан айтганда, келажакда Ер сайёрасидаги барча кишилар хавфсиз ва барқарор ҳаётга эришишлари учун инсониятга фойдали бўлган тадқиқотлар олиб борувчи олим бўлишлари лозим бўлади. Бир қарашда муболағадек туюлувчи олимнинг ушбу фикри ортида инсониятни илм-фан орқали, уни оммавийлаштириш эвазига барқарор келажакка олиб бориш умиди турганлигига шак-шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз илм-фан соҳаси ҳам замонавий тенденциялардан орқада қолмасликка интилмоқда, бу борада қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Олий таълимдан кейинги таълимни ривожлантиришга қаратилган изчил давлат сиёсати натижасида мамлакатимизнинг илмий салоҳияти тобора ортиб бораётганлиги ҳам айни ҳақиқат. Бироқ ҳали қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Ушбу методик қўлланма айни шу соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар, илғор хорижий тажриба ва миллий амалиёт ҳақида маълумот беришга хизмат қилади. Шунингдек, олий таълимдан кейинги таълимни ривожлантириш учун нималарга аҳамият бериш лозимлиги ҳақидаги мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

OECD мамлакатларида докторантура таълими трансформацияси

Сўнгги ўн йилликда ривожланган мамлакатларда докторлик даражасини қўлга киритганлар сезиларли даражада ошди. 2019 йилда OECD мамлакатларида 25-64 ёшдаги докторлик даражасига эга бўлганларнинг ўртача улуши 1% ни ташкил этди. Агар айни тенденциялар давом этса, ҳозирги ёшларнинг 2-3 фоизи ҳаётларининг қайсидир қисмида докторантурага киришади.

Докторантура битирувчилари энг юқори таълим даражасига эга бўлиб, улар биринчи навбатда тадқиқот олиб боришга ўргатилади. Таълимнинг халқаро стандарт таснифида (ISCED) докторлик таълими университетлар томонидан академик ва профессионал соҳаларда тақдим этиладиган, нашр қилинадиган сифатли ишларни тақдим этишни талаб қиладиган илғор тадқиқот ва оригинал тадқиқотлар натижасида олинган илғор тадқиқот малакаси сифатида белгиланади.

OECD мамлакатларида докторлик даражаси сўнгги йигирма йил ичида деярли икки баравар кўпайди. OECDда докторлик даражасига эришиш 2014–2019 йиллар давомида 25% га ўсди. Анъанавий машғулот бўлган тадқиқот фаолияти (докторантурадан ташқаридаги тадқиқот фаолияти) эса бунга нисбатан анча секинроқ ўсган. Компаниялар, илмий тадқиқот институтлари, университет ва давлат лабораториялари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларига ялпи ички харажатлар сўнгги йигирма йил ичида (2000–2020 йиллар) 18 фоизга ортди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотида (OECD) докторантура даражасининг ўсиши олий таълим даражасидан анча юқори: 2014 ва 2019 йиллар оралиғида докторантура таълими 25%, олий таълим эса 12,7% га ўсган.

АҚШ Миллий фан жамғармаси маълумотларига кўра, 2000-2018 йилларда фан ва муҳандислик фанлари бўйича докторлик даражаси берилганлар сони йилига Хитойда ўртача 9,9 фоизга, Францияда 2,0 фоизга, Германияда 1,4 фоизга, Кореяда 5,2 фоизга, Испанияда 7,1 фоизга, Буюк Британияда 5,0 фоизга ва АҚШда 2,8 фоизга ошган.

Ҳукуматлар халқаро миқёсдаги рақобат муҳитида рақобатбардошлик ва иқтидорлар захирасини ошириш мақсадида докторантура таълимини молиялаштиришни кўпайтирар экан, докторантура таълимини кенгайтириш тенденцияси давом этади. Бироқ ҳозирда анъанавий “академик докторантлар”дан “ҳамкорликдаги PhDлар”, “профессионал докторантлар”, “саноат докторликлари”га ўтиш ёки академик докторантурага касбий ривожланиш ва мартаба ўсиши имкониятларини жорий этиш билан диверсификация қилишга уринишлар устуворлашиб бормоқда. Бундан ташқари, докторлик таълими кўлами кенгайиб бормоқда, турли фанлар интеграциясига асосланган, битта фан чегараларини кесиб ўтадиган докторлик даражасига эътибор кучаймоқда.

Академик соҳа (олий таълим ташкилотлари ва илмий тадқиқот институтлари) энди ортиб бораётган докторлик даражасига эга олимларни иш билан тўлиқ таъминлай олмайди. Шу боисдан ҳам академик соҳадан ташқаридаги меҳнат бозори докторантура битирувчиларига академик фаолиятдан ташқарида бўлган компетенцияларга ҳам эга бўлишини талаб этмоқда.

Ҳозирги тенденция сақланиб қолса, тез орада олий таълимдан кейинги таълим битирувчилари университетларда академик кадрларга бўлган талабдан ошиб кетади. Ёмон томони бундай шароитда ёш докторантура битирувчиларининг барқарор иш ўринларига эришиши мураккаблашади. Университетларнинг бакалавриат талабаларига дарс бериш учун докторантура ва постдокторантура тадқиқотчиларидан фойдаланиши ҳам доимий иш ўринлари сонини камайтиради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг аксарият мамлакатларида докторлик даражасига эга бўлганларнинг кўпчилиги аллақачон академик соҳадан ташқарида ишламоқда ва кўплаб мамлакатлар докторлик дастурлари ва докторантура институтининг янада тизимлашган муҳитига ўтдилар. У ерда докторантлар академик соҳадан ташқаридаги меҳнат бозори талабларига мувофиқ ўқитилмоқда.

Бугунги кунда докторантура ва докторантурадан кейинги тайёргарлик энди профессорлик даражасига олиб борадиган йўл эмас. Кўпчилик докторантура битирувчилари академик соҳадан ташқарида: бизнесда, ҳукуматда ёки ижтимоий соҳада ишлайдилар, баъзиларигина тадқиқот соҳасида фаолият олиб боради. OECD да докторлик даражасига эга бўлган тадқиқотчиларнинг аксарияти олий таълим ва давлат секторларида ишлайди. Аксарият мамлакатларда кўпчилик докторантура битирувчилари академик сектордан ташқарида ишлаганлиги сабабли, бу кўплаб ишлайдиган докторлар тадқиқот қилмаётганлигини кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, докторантура битирувчиларининг иш билан таъминланиш даражаси меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг олий таълим битирувчиларига нисбатан мунтазам равишда юқори.

Олий таълимдан кейинги таълим структураси

Олий таълимдан кейинги таълим ҳақида гап кетганда таълимнинг алоҳида босқичи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Бугунги кунда юртимизда олий таълимдан кейинги таълим икки босқичли илмий даража учун кадрлар тайёрлашни назарда тутади. Бу — муайян фан соҳасида фалсафа доктори ҳамда фан доктори даражаларидан иборат бўлиб, олдин амалиётда бўлган фан номзоди ҳамда фан доктори даражаларининг муқобили бўлиб келмоқда. Жаҳон тажрибасида эса ушбу амалиётдан тадрижий равишда воз кечилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия каби ривожланган, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Қозоғистон Республикаси каби мамлакатларда олий таълимдан кейинги таълимда фақат фалсафа доктори (PhD) даражаси тақдим этилиб, бундан кейинги тадқиқотчи-

лик фаолияти докторантурадан кейинги тадқиқотчилик (post-doc) деб номланади ҳамда бунинг учун алоҳида даража тақдим этиш кўзда тутилмаган.

Олий таълимдан кейинги таълим бир босқичдан иборат бўлган давлатларда фан доктори (Doctor of Science) даражаси фалсафа доктори (Doctor of Phisosophy) даражасига муқобил бўлиб, фан доктори (Doctor of Science) асосан аниқ, табиий ва техник фанларни қамраб олса, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ижтимоий-фалсафий ҳамда педагогик соҳаларда берилади. Муайян соҳаларда эса фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) олиш мумкин бўлиб, бунда диссертация мазмуни қайси даража берилишига таъсир кўрсатади. Мисол учун, Иқтисодиёт соҳасида фалсафа доктори (PhD) иқтисодий жараёнларнинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини ўрганишни тақозо этса, фан доктори (DSc) даражаси асосан иқтисодиётнинг математик муаммоларини ўрганишга алоқадор бўлади. Бундай фарқланишлар асосан юзаки эканлигини ҳамда олий таълим муассасаси ўз шарт-шароитлари ҳамда таълим фалсафасидан келиб чиқиб, муайян фан дастури доирасида диссертациясини ҳимоя қилган номзодларга фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) даражаларидан қайси бирини беришни мустақил ҳал қилишини ҳам унутмаслик лозим.

Шундай қилиб, хорижий давлатларда фалсафа доктори (PhD) олий таълимдан кейинги таълим жараёнида олиш мумкин бўлган ягона ва якуний даража ҳисобланади. Айтиб ўтиш лозимки, Россия Федерацияси ва Латвия Республикаси каби мамлакатларда олий таълимдан кейинги таълим ҳали-ҳануз икки босқичдан иборат. Россия Федерациясида бу фан номзоди ва фан доктори даражаларидан иборат бўлса, Латвия Республикасида фалсафа доктори ҳамда фан доктори даражаларини ташкил этади.

Хорижда докторантура турлари

Бугунги кунда фалсафа доктори хорижда асосий ҳамда кўп ҳолларда якуний илмий даража бўлиб қолмоқда. Шунга қарамай унга муқобил ва айрим ҳолларда ундан юқори малакаланувчи бошқа даражалар мавжудлигини ҳам кўришимиз мумкин. Хорижда қуйидаги даражалар фалсафа доктори (PhD) муқобили бўлиши мумкин:

– фан доктори (Doctor of Science) — АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Миср;
– юридик фанлари доктори ва ҳуқуқшунослик фанлари доктори — АҚШ;
– табиат фанлари доктори — Германия;
– теология фанлари доктори — АҚШ;
– фан доктори — Япония.

Кўриб турганимиздек, хорижда фан доктори даражаси фалсафа доктори (PhD) даражасининг муқобили ҳисобланади. Шу билан бирга, профессионал докторантура ҳам бўлиб, бунда иш тажрибасига урғу берилади. Бундай докторантура турлари асосан амалий соҳаларда, жумладан, тиббиёт, стоматология ва саноат соҳаларида бўлади.

Айрим мамлакатларда, мисол учун, Германия ҳамда Нидерландияда фалсафа доктори даражасига эга номзодларнинг кейинги тадқиқот ишлари, иш тажрибаси ва илмий ютуқлари инобатга олиниб, фалсафа докторидан юқори унвон билан ҳам тақдирланишлари мумкин. Бундай докторлик даражалари асосан ҳуқуқшунослик (LLD), фуқаролик ҳуқуқи (DCL), адабиёт (LittD), фан (ScD) ва тиббиёт (DSc) соҳаларига тааллуқли бўлади.

Қабул жараёни

Олий таълимдан кейинги таълимда номзодларни қабул қилиш жараёнининг аҳамияти беқиёс. Боиси, айнан қабул жараёни тадқиқотчилик фаолиятига интеллектуал жиҳатдан тайёр кадрларни саралаб олишнинг ягона йўлидир. Айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида олий таълимдан кейинги таълим учун ҳужжатларни қабул қилиш жараёни рақамлаштирилган. Шу билан бирга, аксарият мамлакатларда қабул жараёнининг маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб амалга оширилишини таъкидлаш лозим.

Хитой Халқ Республикаси ва **Россия Федерацияси** каби мамлакатларда қабул жараёни консерватив услубда амалга оширилиб, номзодлар мутахассислик фани ҳамда инглиз тилидан ёзма ёхуд оғзаки имтиҳон топшириши талаб қилинади. Қозоғистон Республикасида эса мутахассислик фанлари ва чет тилидан тест синови ўтказиш орқали номзодлар саралаб олинади. Японияда мутахассислик фани ҳамда чет тилидан ёзма ёки оғзаки имтиҳон олинади. Украинада эса фалсафа, мутахассислик фани ҳамда чет тилидан ёзма ёки оғзаки имтиҳон олинади. Лекин қабул жараёнини ислоҳ қилаётган мамлакатлар сони ҳам оз эмас. Ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларда номзодлар суҳбат орқали саралаб олиниб, қабул жараёнида улардан мотивация хати, илмий тадқиқот иши режаси, илмий мақола ва тезислари, тил билиш сертификатлари каби ҳужжатлар талаб қилинади. Қабул комиссияси суҳбат ҳамда юқоридаги ҳужжатлар пакетига асосланиб, номзодни ўқишга қабул қилиш ёки қилмаслик хусусида қарор қабул қилади.

Қабул жараёнида объективликни сақлаб қолиш учун айрим мамлакатлар, жумладан, Канада, Финландия, Чехия, Италия, Австралия, Дания каби мамлакатларда магистратура жараёнида олинган баҳолар докторантурага қабул қилиш жараёнида инобатга олинади. Докторантурага қабул қилиш жараёнида талаб этилувчи ҳужжатлар пакети деярли барча мамлакатларда қуйидаги тартибда стандартлашган:

– талабгор паспорти;
– талабгор резюмеси;
– иш тажрибасига оид ҳужжатлар;
– магистр дипломи ва унинг иловаси;
– илмий мақолалари ҳамда асарлари;
– мотивацион хат;

– илмий иш режаси;

– чет тилига оид сертификатлар (IELTS, TOEFL, DELF ва ҳоказо).

Ушбу ҳужжатлар пакети давлатдан давлатга қараб жузъий фарқланади. Мисол учун, Россия Федерациясида чет тилидан имтиҳон ўтказилиб, чет тили сертификатини тақдим қилиш сўралмайди. Эстонияда эса номзодлар диссертация аннотациясини ҳам тақдим этишлари лозим (Ривожланган хорижий давлатлардаги докторантура таълимининг ўзига хос жиҳатлари иловада келтирилган).

Таълим давомийлиги

Олий таълимдан кейинги таълимда таълимнинг давомийлиги одатда 3 йил этиб белгиланган. Буни Австралия ҳамда Япония каби ривожланган ёки Қозоғистон республикаси каби ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, Финландия, Эстония, Украина каби мамлакатларда фалсафа доктори даражасини олиш учун камида 4 йил таълим олиш талаб этилади. Жаҳон тажрибасида олий таълимдан кейинги таълимнинг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига бўлинишини ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, кундузги таълим шакли 3 йил, сиртқи таълим эса 5 йил давом этиши белгиланган. Буюк Британияда эса кундузги таълим шаклида 4-5 йил, сиртқи таълим шаклида эса 5-7 йил таҳсил олиш талаб қилинади.

Диссертация ҳимояси учун талаблар

Номзодлар докторантурага қабул қилингач уларнинг таҳсил олиш жараёни турли мамлакатларда турли хил тартибда олиб борилади. Россия Федерацияси ҳамда айрим МДҲ мамлакатларида докторантлар ўзларига бириктирилган илмий раҳбар билан биргаликда диссертация мавзусини танлаш ҳамда илмий нашрларда мақолалар эълон қилиб бориш, илмий конференцияларда иштирок этиш билан шуғулланадилар. Бундай фаолиятга қўйиладиган талаблар давлатдан давлатга қараб фарқланади. Мисол учун, Хитой Халқ Республикасида докторантлардан Хитой ижтимоий фанлар иқтибослар индекси (CSSCI — Chinese Social Sciences Citation Index) да 2 та мақола эълон қилиш талаб этилади.

Нидерландияда докторантлар камида битта илмий мақола эълон қилиб, уни экспертлар кенгаши кўриб чиқиши лозим. Германия, Канада, Италия, Чехия, Япония, Янги Зеландия ҳамда Ҳиндистонда докторантлар камида 2 та мақола эълон қилиши лозим. Бунга қўшимча равишда докторантлардан турли илмий конференцияларда иштирок этиш ҳам талаб этилиши мумкин. Одатда МДҲ мамлакатларида докторантлар 2-ўқув йилида мутахассислик фанларидан имтиҳон топшириб, имтиҳондан ўтгач диссертацияни такомиллаштириш ҳамда ҳимояга тайёргарлик кўриш билан шуғулланa бошлайдилар. Бу диссертация ишининг маъруза орқали ҳимоя қилиниши билан якунланади. Жаҳон тажрибасида эса бу борада бироз бошқача ёндашувни кўришимиз мумкин. Корея Республикаси ҳамда Польшада докторантлар таълимнинг дастлабки

икки йилида мутахассислик фанларига оид модулларда иштирок этадилар ва кредит баллари тўплайдилар. Вьетнам, Италия ҳамда Австрияда докторантлар таълимнинг биринчи йили мутахассислик фанларига алоқадор модулларда иштирок этиб, кредит баллари тўплайдилар. Хитой Халқ Республикасида докторантлар илмий раҳбар томонидан белгиланган мутахассислик фанларини ўзлаштириши талаб этилади. Япония ҳамда Латвияда мутахассислик фанлари ҳамда илм-фан методологиясига оид курслар ўтилади. Бундай ёндашув докторантларнинг мутахассислик фанларига оид билимларини чуқурлаштириш, уларнинг илм-фан методологияси, тадқиқотчилик компетенциясини мустаҳкамлашни мақсад қилади. Бундан ташқари, муайян мамлакатлар, жумладан, Корея Республикасида номзодлар турдош бўлмаган соҳаларга ҳам қабул қилиниши мумкин. Табиийки, бундай номзодларнинг мутахассислик фанларига оид компетенцияси етарлича бўлмаслиги мумкин. Улардан мутахассислик фанларига оид модулларда кредит балларини талаб қилиш, мана шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, турдош соҳага қабул қилинган докторантларда мутахассислик фанларидан базавий билимлар бўлса-да, тадқиқот методологиясига оид кўникмалар одатда етарли бўлмайди. Докторантурадаги модулларда иштирок этиш орқали улар ўз камчиликларини тўлдириб бориш имконига эга бўладилар. Докторантлар талаб қилинган кредит балларини тўплаб бўлгач, олий таълим муассасаси томонидан ташкил этилувчи якуний имтиҳонни топширишлари талаб этилади. Имтиҳондан ўтган докторантларга илмий раҳбар бириктирилиб, улар диссертация мавзусини танлайдилар ҳамда олий таълим муассасаси илмий кенгаши тасдиғидан ўтказадилар.

Таъкидлаш жоизки, докторантлардан кредит балларини тўплаш талабининг концептуал асослари академик эркинликка оид қарашлар бўлиб, илм изловчи таълим олиш йўлида ҳеч қандай тузилмавий барьерларга учрамаслигини назарда тутади. Эътиборга молик томони, ҳеч қайси давлатда тиббиёт соҳаси докторантурасига турдош бўлмаган мутахассисликка эга номзодлар қабул қилинмайди. Фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш дунёнинг деярли барча бурчагида маъруза орқали диссертация ишини ҳимоя қилиш билан якунланади. Шу билан бирга, айрим мамлакатларда истисно ҳолатларида фалсафа доктори даражаси тақдим этилиши мумкин. Испанияда нуфузли нашрларда эълон қилинган мақолалар асосида фалсафа доктори даражаси берилиши мумкин.

Турли мамлакатларда докторантура структурасининг маҳаллий шароитларга мослаштирилганини эътибордан соқит этмаслик керак. Чунки бу докторантурада таҳсил олиш тартибига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мисол учун, Данияда докторантура 2 хил категорияга ажратилиб, биринчи категорияга олий таълим муассасасида амалга ошириладиган стандарт докторантура киради. Иккинчи категория эса саноат корхоналари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тегишли илмий тадқиқот йўналишларида амалга ошириладиган докторантура ҳисобланади. Бунда таълимнинг дастлабки уч ойида саноат корхона-

си билан ҳамкорликда муайян масала ечимини топишга қаратилган тадқиқот иши режаси тузилади. Кейинги олти ой мобайнида эса шу асосида докторант таълим олади. Финландияда ҳам докторантура 2 хил категорияга ажратилади. 1-категорияга Миллий дастур доирасидаги докторантура киради. Бунда Давлат учун долзарб бўлган масалаларда тадқиқот олиб борилади. Иккинчи категорияда эса тадқиқотчи илмий тадқиқот мавзусини мустақил танлайди. Австралияда ҳам докторантура 2 хил категорияга ажратилади. Улар:

1. Стандарт докторантура (PhD);

2. Профессионал докторантура (Professional PhD). У илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллашга мўлжалланган бўлади.

Олий таълимдан кейинги таълимда “Университет 3.0” концепцияси

Университет 3,0 концепцияси иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиёт йўлида олий таълим муассасалари, саноат ва ҳукумат ўртасида уч томонлама ўзаро ҳамкорлик моделларини ишлаб чиқиш орқали билимга асосланган иқтисодий-ижтимоий қурилмаларни рағбатлантиришга асосланади. Концепциянинг назарий асослари илк бора Э.Ҳенри ҳамда Л.Лейдерсдорф томонидан “Уч томонлама спираль: университет — ҳукумат ва саноатнинг ўзаро муносабатлари, билимга асосланган иқтисодиёт учун лаборатория” асарида илгари сурилган. Концепцияга биноан олий таълим муассасалари янги билимларни ишлаб чиқарувчи манба ўлароқ ҳукумат ҳамда саноатнинг асосий мижози ҳисобланадилар. Концепция эълон қилингач турли мамлакатларда уни амалиётга татбиқ қилиш учун ҳар хил лойиҳалар амалга оширилган.

Олий таълим муассасаси ҳамда саноат ўртасида ҳамкорлик

Олий таълим муассасаси ва саноат ўртасида олий таълимдан кейинги таълимдаги ҳамкорлик тадқиқотчи кадрларни бозор талабига биноан мақсадли тайёрлаш ва саноат корхоналари буюртмаси асосида хусусий сектор томонидан муайян тадқиқот соҳаларига оид қўшма лойиҳаларининг амалга оширилишини назарда тутади. Бундай ҳамкорлик тури бугунги кунда саноат-университет ҳамкорлиги (industry-university partnership) деб аталади. Бу борада Жанубий Кореядаги қатор олий таълим муассасалари фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим.

1990 йиллардан эътиборан Жанубий Кореядаги айрим олий таълим муассасалари ҳамда йирик компаниялар ўртасида ўзаро шерикчилик анъаналари шаклана бошлади. Бу йирик компаниялар буюртмаси асосида олий таълим муассасаларининг докторантларни тайёрлашни йўлга қўйиши, саноат корхоналари билан ҳамкорликда тадқиқот лойиҳаларининг амалга оширилиши, йирик ишлаб чиқарувчиларнинг истеъдодли докторантларга тўлиқ грант асосида таълим олиш имкониятларини тақдим этиши кабилардан иборат эди. Жанубий Кореядаги Samsung компанияси Сункюнван университети билан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўйганлардан бири ҳисобланади. Ҳамкорлик Samsung компаниясининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қилиш билан бирга, Сункюнван

университетининг Шарқий Осиёдаги энг йирик тадқиқот марказларидан бирига айланишига ҳам хизмат қилди. Бугунги кунда Сункюнван университетида ахборот технологиялари соҳасида тадқиқотчилик фаолияти ривожланган.

Яна бир мисол сифатида Жанубий Кореядаги йирик компаниялардан бири Ҳюндайнинг Улсан университети билан ҳамкорлигини келтириб ўтиш мумкин. Ўзаро ҳамкорлик натижасида Улсан университети кемасозлик, автомобилсозлик соҳасида мамлакатдаги етакчи илмий тадқиқот марказига айланди. Бу борада саноат корхоналари ҳамда олий таълим муассасаларининг ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорлик қилиш орқали олий таълим муассасаларида саноат корхоналарининг ихтисослашган йўналишига ҳамоҳанг равишда тегишли соҳалардаги тадқиқот потенциалининг ривожланиб боришини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай ҳамкорлик фаолияти давлат бюджетининг тежалиши ҳамда тадқиқотларнинг мақсадли асосда бозор муносабатлари билан ҳамоҳанглашувига хизмат қилишини таъкидлаш зарур. Бундай ҳамкорлик фаолиятида давлат саноат корхонаси ва олий таълим муассасаси ўртасида воситачи, зарур ҳолларда кафолатчи вазифасини бажаради ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Шарқий Осиёдаги мамлакатлар, жумладан, Жанубий Корея мисолида “Университет 3.0” концепцияси илмий тадқиқотчилик фаолиятини билим иқтисодиёти ва билим жамияти пойдеворига тамал тошини қўйиш томон йўналтиришини кўришимиз мумкин.

Олий таълимдан кейинги таълимда давлат ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик

Олий таълимдан кейинги таълимда давлат ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик асосан ҳукумат томонидан тадқиқотчи кадрларни мақсадли тайёрлаш, муайян тадқиқот соҳаларини рағбатлантириб бориш, тегишли соҳаларга оид тадқиқотчиларни хориждан турли таълим дастурлари орқали жалб қилиш, қўшма тадқиқот лойиҳалари учун андозалар яратиш кабилардан иборат бўлиши мумкин. Буни, айниқса, аниқ ва табиий фанларда ёки стратегик аҳамиятга эга соҳаларда тадқиқотчи кадрларни мақсадли тайёрлаш ва хориждан тадқиқотчи кадрларни жалб қилиш каби саъй-ҳаракатларда кўришимиз мумкин. Мисол учун, АҚШда физика соҳасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилади ва бундай тадқиқотлар ҳукумат ҳомийлиги остида амалга ошириб борилади. Жанубий Кореяда ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳукумат бунга ихтисослашган бир неча олий таълим муассасаси фаолиятини тўлиқ молиялаштириб келади. Булар орасида Корея фан ва технологиялар етакчи институти (KAIST — Korea Advanced Institute of Sciyence and Technology) ҳамда Улсан фан-технология институти (Ulsan Institute of Sciyence and Technology) Шарқий Осиёда етакчилардан ҳисобланади. Худди шундай тенденцияни МДҲ мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Россия Федерациясида давлат аҳамиятига эга олийгоҳларнинг потенциалини ошириш ишлари олиб борилиб, бу “Миллий тадқиқот универ-

ситети” лойиҳаси асосида амалга оширилади. Ушбу лойиҳага биноан давлат томонидан тадқиқот потенциали тизимли равишда ошириб борилаётган олий таълим муассасаларига Москва иқтисодиёт олий мактаби ҳамда Самара университетларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бундай олий таълим муассасаларига Миллий тадқиқот университети (National Research University) ёрлиғи берилади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ (ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)

Қозоғистонда олий таълимдан кейинги таълим: Болонья жараёнига қўшилиш ва унинг оқибатлари

Олий таълимдан кейинги таълим борасидаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишда қўшни Қозоғистон томонидан эришилган натижалар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Қозоғистон Болонья жараёнига қўшилиш учун қадам ташлади ва илмий даражали кадрлар тайёрлашда Ғарб моделини ўзлаштирди. Шу боисдан ҳам бу тенденция сал кейинроқ бошланган Ўзбекистон учун Қозоғистон тажрибасига мурожаат қилиш зарур хулосалар чиқариш имконини беради.

Тарихан олиб қараганда Қозоғистонда докторлик таълими 1934 йилда бошланган. Собиқ иттифоқда докторлик даражасини олиш жараёни икки алоҳида босқичдан иборат эди. Биринчи босқичда аспирантлар тажрибали олим раҳбарлик қилган диссертация устида ишлар эди. Муваффақиятли ҳимоядан сўнг улар фан номзоди унвонини олиши мумкин эди. Фан номзоди даражаси профессор-ўқитувчига маъруза ўқиш ва доцент, кафедра ёки лаборатория мудири лавозимларини эгаллаш ҳуқуқини берди. Инсон бу ютуқдан қониқиши ёки илғорроқ докторлик таълимини давом эттириши мумкин. Фан номзоди бўлиш фан доктори даражасига эга бўлиш учун зарурий шарт эди. Бу қатъий назорат қилинмайдиган, аммо қўшимча талаблар қўйилган диссертацияни ёзиш ва ҳимоя қилишдан иборат бўлган. Мустақил тадқиқотчилик роли фақат фан доктори илмий даражаси учун эътироф этилган, чунки бу босқичда инсон кўпроқ тадқиқот ва фанни ривожлантириш устида ишлаган.

Болонья жараёнига қўшилиш Қозоғистон олий таълим муассасаларидаги муаммоларни дарҳол ҳал эта олмади. Масалан, Қозоғистон ҳукумати ҳал қилишга уринган муаммолардан бири мамлакатдаги тадқиқотчилар сонининг камлиги эди. Бироқ Болонья жараёнини қабул қилгандан кейин ҳам, 2013 йилга келиб фан докторларининг атиги 33,1 фоизи тадқиқот соҳасида иш топдилар, бошқалари эса академик соҳани тарк этди. Шунингдек, янги фан номзодларини тақсимлаш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган даражада эмас эди: ижтимоий фанлар соҳасидаги фан номзодлари сони мамлакатга энг зарур бўлган техник ихтисосликларга қараганда кўпроқ эди.

Яна бир масала шундаки, Қозоғистон Болонья жараёнига қўшилишдан аввал Европадан фарқ қиладиган АҚШ кредит тизими моделини жорий этиш устида ишлаган. АҚШ кредит тизими модели талаба ва ўқитувчиларнинг иш юкини ва алоқа вақтини ўлчайди, Европа кредит тизими модели эса талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқари таълим вақтига асосланади. Аввал Америка кредит тизимини қабул қилиш, кейин эса Европага бурилиш олий таълим муассасалари ходимларини чалкаштириб юборди. Қозоғистонда Болонья жараёнини қабул қилиш мақсади билан боғлиқ қўшимча тушунмовчилик бўлган: агар жараёндан мақсад уни имзолаган мамлакатларда дипломларни мослаштириш бўлса, нега Европа олий таълим муассасалари Қозоғистон дипломларини тан олишга тайёр эмас эди? Бу каби саволлар ва хавотирлар Болонья жараёнининг Европа ва Қозоғистонда амалга оширилиши турли мақсадларга эга бўлиши мумкинлиги ва Қозоғистон манфаати учун Европа амалиётига тақлид қилиш шарт эмаслигини тушунишга олиб келди.

Болонья жараёнининг мақсадлари инновацион ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, олий таълимни модернизация қилишни ўз ичига олади: таълим фақат шахсларнинг назарий билимлари ва қобилиятларига асосланмаслиги керак, балки амалий кўникма ва малакаларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Масалан, Европада Болонья жараёни Европа мамлакатларида умумий олий таълим тизимини яхшилаш учун мўлжалланган. Баъзи таҳлилчиларнинг таъкидлашича, Болонья жараёни олий таълимни Европадаги ҳамма учун очиқ ва шаффоф бўлишига имкон берса-да, агар эҳтиёткорлик билан амалга оширилмаса, бу ғарбдан ташқари таълим ҳамжамиятлари учун зарарли бўлиши мумкин. Масалан, собиқ иттифоқ мамлакатларида бошқарув модели тарихан давлат назоратига асосланган эди, шунинг учун Болонья жараёнининг академик эркинлик тамойилларини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар қийинчиликлар ва кескинликларга дуч келди, натижада олий ўқув юртларида талабалар сони камайиб кетди. Қозоғистондаги Болонья жараёнига келсак, бу, бир томондан, олий таълимни халқаролаштириш ва академик эркинликни татбиқ этиш йўлидан бормоқда. Бошқа томондан, Қозоғистон олий таълим тизими Европа тавсияларига қарам бўлиб бормоқда: мамлакат миллий стандартлардан Европа стандартларига ўтишга мажбур. Яъни Қозоғистоннинг миллий таълим органи ўқув жараёни устидан назоратни халқаро ташкилотларга топширади, уларнинг вазифалари ЕНЕА (Европа олий таълим ҳудуди) бўйлаб дипломларни тасдиқлашни ўз ичига олади.

Шунга қарамай, маҳаллий тадқиқотчилар Қозоғистоннинг Болонья жараёнига қўшилишини мамлакатнинг инсон капиталига сармояси сифатида кўришади. Масалан, Қозоғистон ҳукумати “Болашақ” (“Келажак”) дастурини ишга туширди. 1993 йилдан бери Қозоғистон ҳукумати талабаларга дунёнинг энг яхши олий ўқув юртларида ўқиш учун тўлиқ стипендиялар беради. Бироқ тадқиқотчилар мамлакат сиёсати ўзгармаганлиги сабабли Ғарбда ўқитилган кўп сонли мутахассислардан фойда кўрмаётганидан хавотирда. Олий таъ-

лимни модернизация қилиш йўлидаги яна бир қадам мамлакат қонунчилигида алоҳида автоном мақомга эга бўлган ва Давлат таълим стандартларига амал қилиши шарт бўлмаган Назарбоев университетининг очилиши бўлди. Университет дунёнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликда фаолият юритади ва профессор-ўқитувчиларнинг 80 фоизи хориждан ишга қабул қилинади. Маҳаллий тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Назарбоев университети мамлакатнинг илғор халқаро таълим тажрибасини ўзлаштириш ва тарқатишни тезлаштиришга уринишидир. Тез ўзгаришлар зарурлигини докторантурани молиялаштиришдаги ўзгаришлардан ҳам таъкидлаш мумкин. Масалан, 2020 йилда ҳукумат мамлакат илмий салоҳиятини сифатли ривожлантиришни таъминлаш мақсадида докторантура ва стипендияларни молиялаштириш ҳажмини оширди.

Қозоғистон тажрибасини, агар биз уни собиқ иттифоқ мамлакатларидаги стандартлар ва амалиётлар ўзгаришининг кенгроқ контекстида кўрсак, тушуниш мумкин. Россия ва Белоруссияда бакалавриат ва магистратура йўлга қўйилди, бироқ илмий даражанинг қуйи ва юқори (фан номзоди ва фан доктори) даражали тизими сақланиб қолди. Баъзилар собиқ иттифоқнинг икки босқичли тизимини сақлаб қолиш зарур, деб ҳисоблайдилар, акс ҳолда, докторлик даражаси қадрсизланади. PhD даражаси фан номзоди даражасига тўғри келади, аммо бажарилган иш ҳажми Россиядаги магистр даражасига тенг. Аксарият собиқ иттифоқ мамлакатларида аввалги докторлик тизимини халқаро талабларга мослаштириш ва унинг кучли томонларини сақлаб қолиш кераклиги ҳақида таклифлар илгари сурилди. Оқибатда қатор собиқ иттифоқ мамлакатларида ё қўш тизимли модель юзага келди ёки советча тизимдаги икки даражали модель сақланиб қолди. Масалан, Озарбайжонда ҳам PhD, ҳам фан доктори даражалари мавжуд. Молдова PhD ва Doktor Habilitat даражаларини сақлаб қолди. Арманистон икки босқичли собиқ иттифоқнинг докторлик тизимини ўзгартирмади. Тожикистон фан номзоди даражасини PhD билан алмаштирди, аммо фан доктори даражасини сақлаб қолди. Қирғизистон собиқ иттифоқнинг икки босқичли докторлик тизими ўрнини босиш учун эмас, балки тўлдирувчи сифатида PhD даражасини киритди. Ўзбекистонда докторлик даражалари PhD ва DSc деб қайта номланди, лекин докторантура талаблари ва тартиблари деярли ўзгаришсиз қолди.

Қозоғистонда Болонья жараёнининг амалга оширилиши докторантура таълимига улкан таъсир кўрсатди, бу барча жабҳаларда, жумладан, талабаларнинг мотивацияси, илмий тайёргарлиги, докторлик назорати, ҳимоя қилиш тартиби, олий таълим муассасаларининг моддий шароитларида ўз аксини топди. Кўпгина докторантлар тўловсиз ўқишади ва ҳукумат стипендиясини олишади, бу эса PhD сафарини бошлаш учун туртки бўлиши мумкин. Кириш имтиҳонидан ташқари, Қозоғистонда PhD дастурларига ҳужжат топширган талабалар чет тилидан тест топширишлари ва IELTS ёки TOEFL сертификатини қўлга киритишлари керак. PhD уч йиллик ўқув дастури, ҳар томонлама имтиҳон, мустақил тадқиқот иши ва якуний босқич сифатида диссертация ҳимоясидан иборат.

Диссертация ҳимояси одатда қозоқ ва рус тилларида амалга оширилади. Айрим университетларда инглиз тилидаги ҳимоя ҳам мавжуд.

2021 йилда Қозоғистонда докторантнинг Web of Sciense маълумотлар базасида Q1 рейтингидаги нуфузли журналларда камида битта ёки Q2 журналида иккита мақоласи бўлса, диссертация ҳимоясисиз PhD даражасини олиш мумкинлиги эълон қилинди. Юқори рейтингли журналларда илмий мақола нашр этиш зарурати шундан иборатки, докторантлар инглиз тилидан илғор академик даражадаги кўникмаларга эга бўлишлари, шунингдек, халқаро маълумотлар базаларидан, қидирув хизматларидан ва кутубхоначиларнинг ёрдамидан яхши фойдаланишлари керак.

Қозоғистондаги PhD дастурларининг жорий модели бир қанча муаммоларга дуч келмоқда, жумладан, олий таълим ташкилотларини, биринчи навбатда, ўқув муассасаси сифатида кўриш собиқ иттифоқдан қолган меросдир. Оқибатда университетларда илмий тадқиқот салоҳияти паст, бюрократия юқори. Собиқ иттифоқда тайёрланган олимлар тадқиқотнинг янги усуллари ва стандартларини қабул қилиш ҳамда ўрганишни истамайдилар. Ушбу ҳолатлар янги пайдо бўлган олимларнинг иш ҳақи даражасининг пастлиги ва доимий тадқиқотчи лавозимлари учун узоқ муддатли шартномаларнинг йўқлиги билан янада оғирлашмоқда.

Шу билан бирга, қозоғистонлик докторантларни жаҳон илмий ҳамжамиятидан ажратиб қўядиган халқаро маълумотлар базаларига кириш имконияти йўқлиги ва моддий-техника базасининг сифатсизлиги туфайли докторантура доирасида мустақил таълим мураккаблашмоқда. Шу сабабли, маҳаллий тадқиқотчилар ўзларининг омон қолиш стратегияларини яратишга мажбур бўлмоқда. Маҳаллий профессор-ўқитувчилар географик жиҳатдан мобил докторантларни халқаро университетда амалиёт ўташга ва у ерда замонавий лабораториялар, жиҳозлар ва тўлиқ матнли кутубхона ресурсларига кириш учун ҳамкорликни йўлга қўйишга ундайдилар. Баъзида маҳаллий докторантлар инглиз тилини ўрганмаслик ва корректория хизматлари учун маблағ йўқлиги сабабли плагиат қилишади, сохта журналларда нашр қилишади ёки нашр қилиш хизматларига катта миқдорда пул сарфлашади. Шу сабабли маҳаллий профессор-ўқитувчилар ва докторантлар халқаро ҳамкорлик орқали мақолаларни инглиз тилида таҳрирлашда ёрдам сўрашади. Ҳозирда докторантларга докторлик диссертациясини ёзиш ва нашр этиш жараёнларида ёрдам берадиган иккита — маҳаллий ва хорижлик раҳбарлар мавжуд бўлса-да, кўпчилик ҳали ҳам ҳар икки раҳбардан тўлақонли ёрдам олиш учун курашмоқда.

Бутун таълим тизими ҳанузгача юқори даражада марказлаштирилган ва Қозоғистон Таълим вазирлиги томонидан назорат қилинмоқда, бу Қозоғистондаги барча олий таълим муассасаларини таълим мазмуни ва тузилишини, шунингдек, имтиҳон ва битирув талабларини тартибга солувчи Давлат таълим стандартларига риоя қилишга мажбур қилади. Бу диссертация ҳимояси жараёнини мураккаблаштиради. Болонья жараёни доирасида кўплаб янгили-

клар ва академик эркинлик йўлидаги қадамлар амалга оширилган бўлса ҳам, марказлаштириш ва марказсизлаштириш жараёнларининг биргаликда бўлиши мумкин эмаслиги сабабли улар нотўғри талқин этилади ёки суиистеъмол қилинади. Ҳозирги кунда қозоғистонлик докторантлар бир вақтнинг ўзида юқори сифатли илмий диссертациялар ва нашрлар тайёрлаш учун босим остида қолмоқда. 2010 йилда Қозоғистонда докторантурада амалга оширилган ислоҳотлар Болонья жараёни тамойилларини қабул қилишдан ташқари, айниқса, нашр талаблари бўйича сифат стандартларини оширди. Бу эса ҳимоя қилинаётган PhD диссертациялари сонининг кескин пасайишига олиб келди.

Йиллар	Фан номзоди	Фан доктори	PhD	Умумий сони
1992	20	0	0	20
1994	577	150	0	727
1996	544	140	0	684
1998	801	176	0	977
2000	720	114	0	834
2002	1203	172	0	1375
2004	1192	206	0	1398
2006	1351	249	0	1600
2008	1045	227	0	1272
2010	3219	1045	0	4264
2012	0	0	174	174

Қозоғистонда илмий даражали кадрлар тайёрлаш статистикаси

Қозоғистоннинг докторантура таълим тизимига диссертация ҳимоя қилган докторлар сонини қайтариш учун деярли ўн йил вақт кетди. 2017 йилга келиб диссертацияни тамомлаган ва ҳимоя қилган докторлар сони 2006 йилдан аввалги рақамларга қайтарилди. Шундай бўлса-да, сўнгги статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, барча докторантларнинг атиги 27,5 фоизи PhD илмий даражасига эга бўлган ва уларнинг атиги 10 фоизи тадқиқот соҳасида фаолиятини давом эттирган. Шундай экан, Болонья жараёни доирасида Қозоғистонда докторантура ҳали ўзининг тўлиқ салоҳиятига эришгани йўқ.

Докторлик даражаси Қозоғистондаги Совет фанлари доктори даражаси билан таққосланса-да, PhD эгалари кам маош олади ва иш билан таъминланиш даражаси паст. Қозоғистондан ташқарида олинган PhD даражалари узоқ тан олиш жараёнларидан ўтади. Эскирган бинолар ва жиҳозлар, шунингдек, олий таълим муассасалари моддий-техник базасининг пастлиги мамлакат тадқиқотчиларини хавотирга солмоқда.

Ўзбекистонда олий таълимдан кейинги таълим: асосий тенденциялар

Ўзбекистонда илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизими 1930 йилларда бошланган. Собиқ иттифоқ модели асосида икки даражали (фан номзоди ва фан доктори) илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш тизими мамлакатимиз мустақилликка эришган сўнг ҳам 20 йилдан ортиқ вақт давомида амалда бўлиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига (ҳозирги кунда ўз кучини йўқотган) кўра, Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги (ҳозирги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги) Олий аттестация комиссияси (ОАК), Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳозирги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги) тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш белгиланган эди. Стажёр-тадқиқотчи изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий таълимдан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш кабилар белгиланган.



Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли жараёни (фан номзоди ва фан доктори) ўрнига, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертация ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий таълимдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди.

Ушбу олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими, пировардида, докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришиш, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бора оладиган ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, истеъдодли ёш кадрларни тарбиялашда долзарб аҳамият касб этиши тахмин қилинган эди. Икки босқичли тизимда фан номзоди тайёрлаш босқичи кўпроқ илмий тадқиқот ишларини олиб боришга ўргатган бўлса, бир босқичли тизимда бу вазифани магистратура босқичи бажариши белгилаб берилган. Бир босқичли тизимнинг яна бир афзаллик тарафи бўлганки, унда бакалавр илмий даражасига эга кадрларга ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш имконияти берилган. Афсуски, бир босқичли тизим кутилган натижаларга олиб келмагани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февраль “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”даги ПФ–4958-сон Фармони билан бекор қилиниб, унинг ўрнига олий таълимдан кейинги таълимнинг икки поғонали, яъни:

– диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура;

– диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими жорий қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Олий таълимдан кейинги таълим институтида таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- ✓ таянч докторантура;
- ✓ докторантура;
- ✓ мустақил изланувчилик;
- ✓ стажёр-тадқиқотчилик.

Таянч докторантура	фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.
Докторантура	фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.
Мустақил изланувчилик	фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли.
Стажёр-тадқиқотчилик	ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тегишли ихтисослик бўйича илмий ва илмий-ижодий изланишларни олиб бориш ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун изланувчини тайёрлаш шакли.

Сўнгги 5 йилда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Олий таълимдан кейинги таълим тизимининг структураси қуйидагича кўринишга эга бўлди:



Амалдаги қонунчиликка кўра, ўзларида олий таълимдан кейинги таълим институтлари очилган илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари мустақил изланувчилик тартибида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши мумкин. Мустақил изланувчилик ишдан ажралмаган ҳолда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланиш имконини беради.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:

– магистрлик ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

– белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олганидан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сон қарори билан тасдиқланган "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низом"га кўра, мақсадли докторантура — бир олий таълим ёки илмий муассаса (буюртмачи ташкилот) учун етишмаётган илмий даражали кадрларни бошқа муассасада тайёрлашни ўз ичига олади. Мақсадли докторантура идора ичида, идоралараро ёки давлатлараро шаклда амалга оширилади. Дастлабки икки ҳолатда тайёрлашни амалга оширувчи ташкилот, буюртмачи ташкилот ва докторант ўртасида уч томонлама шартнома тузилади, давлатлараро шаклида — халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тартибга солинади.

Мақсадли докторантурага номзодлар буюртмачи ташкилот томонидан тавсия этилади, бир ўринга номзодларнинг сони камида 2 нафар бўлиши лозим.

Идора ичида ва идоралараро мақсадли докторантурага қабул қилинган изланувчиларга таянч докторантура ва докторантурага қабул қилинган изланувчилар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда стипендия тўланади ҳамда таътил берилади.

Диссертация иши ҳимоя қилиниб, диплом олинганда ёхуд тегишли илмий кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилинганда докторантура муваффақиятли якунланган ҳисобланади. Мақсадли докторантурани муваффақиятли якунлаган докторантлар уни ўқишга юборган буюртмачи ташкилотда камида 3 йил ишлаб бериши лозим.

Олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш бўйича амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий салоҳиятли кадрлар салмоғининг кескин ортиши кузатилмоқда. Хусусан, 2022 йил якунида республикамиздаги олийгоҳларда 34 539 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритиб, улардан илмий даражали профессор-ўқитувчилар сони 13 450 нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 9% га кўтарилди деганидир. Яъни олий таълим муассасаларининг илмий салоҳият кўрсаткичи 2017 йилда 30,3% га тенг бўлган бўлса, 2022 йилда 39,3% га етказилди.

Олий таълим муассасаларида 2017 йилда диссертация ҳимоялари бўйича атиги 32 та Илмий кенгашлар фаолият юритган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 179 тага етди.

2022 йилда квоталар сони қарийб 100 фоизга оширилиб, вазирлик тизимидаги олийгоҳларга докторантура учун 1993 та квота (1704 та PhD, 128 та DSc, мақсадли докторантурага 156 та PhD, 5 та DSc) ҳамда стажёр-тадқиқотчиликка 308 та квота ажратилди. Бугунги кунда барча олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида жами 8 минг 809 нафар илмий тадқиқотчи 22 та ихтисослик бўйича илмий фаолият билан шуғулланиб келмоқда.

2022 йилда республика олий таълим муассасаларида жами 5281 нафар докторант таҳсил олди (шундан 4964 нафар PhD, 317 нафар DSc, 5094 нафар мустақил изланувчилар (4603 нафар PhD, 491 нафар DSc). Шунингдек, докторантура квоталари йилдан-йилга ошириб борилмоқда.

Маълумот учун:

– 2017 йилда 855 нафар докторант (718 нафар PhD, 137 нафар DSc);

– 2018 йилда 1461 нафар докторант (1343 нафар PhD, 118 нафар DSc);

– 2019 йилда 2054 нафар докторант (1923 нафар PhD, 131 нафар DSc), 3239 нафар мустақил изланувчи (2920 нафар PhD, 319 нафар DSc);

– 2020 йилда 2675 нафар докторант (1238 нафар PhD, 134 нафар DSc), 2248 нафар мустақил изланувчи (2065 нафар PhD, 183 нафар DSc);

– 2021 йилда 3337 нафар докторант (3162 нафар PhD, 175 нафар DSc), 4455 нафар мустақил изланувчи (3941 нафар PhD, 444 нафар DSc) илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимида давлат бюджети маблағлари ҳисобига ўқитиш бўйича 2024 йил учун қабул квоталарининг илмий ва таълим ташкилотлари бўйича тақсимоти қуйидагича бўлди:

– таянч докторантура (PhD) – 3914 нафар, докторантура (DSc) — 396 нафар;

– мақсадли докторантура (DSc) — 28 нафар, мақсадли докторантура (PhD) — 350 нафар;

– стажёр-тадқиқотчи — 498 нафар этиб белгиланди.

Олий таълимдан кейинги таълимни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш борасида ижобий натижаларга эришилди. Илмий даражали кадрлар салмоғининг ортиб бориши, бир томондан, жамиятнинг барча соҳаларини илмий асосларда ривожлантириш имконини берса, иккинчи томондан, олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилар таркибининг такомиллашувига, халқаро рейтинглардаги самарали иштирокни таъминлашга ҳамда таълим сифатининг ошишига бевосита таъсир қилади. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гап миқдор ортидан қувиб сифат масаласини назардан қочириш эҳтимоли ҳақида бормоқда. Илмий даражага муносиб кўрилган кадрлар халқаро замонавий талабларга жавоб берадими? Ҳимоя қилинган диссертациялар амалда



ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ҳамда жамият тараққиётининг драйверига айланишга қанчалик қодир? Бу каби саволлар илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб такомиллаштириш борасида муайян таклифларни илгари суришга ундайди. Олий таълимдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш борасида қуйидаги тавсияларни келтирмоқчимиз:

– Олий таълимдан кейинги таълим бўйича тартиб-қоидаларни белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ягона қарори билан яхлит Низом асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида низом”га олий таълимдан кейинги таълимга шаклларини билан боғлиқ барча нормаларни киритиш зарур. Хусусан, таянч докторантура ва докторантура талабгорлари учун янги тартибда белгиланган хорижий тил сертификатини тақдим қилиш талабларини ҳам. Айни вақтда, мақсадли докторантура ҳамда стажёр-тадқиқотчиликни ташкил этиш тартиби алоҳида қарор (Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 696-сон қарори) ва низом (“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низом”) билан белгиланган. Бундай тарқоқлик олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этишда турли хил тушунмовчиликларга олиб келмоқда;

– Халқаро тажрибада кенг тан олинган докторантура таълими ва илмий даража беришнинг бир босқичли моделига босқичма-босқич ўтиш керак. Чунки амалдаги икки босқичли модель кўп ҳолларда тадқиқотчилик малакасининг такрорланишига олиб келиб, бошқа соҳага тегишли компетенцияларни ўзлаштиришга имкон бермайди. Ривожланган мамлакатларда илмий даражанинг горизонтал кенгайишига эътибор қаратилади, масалан бир мутахассисликдан PhD даражасини олган тадқиқотчи кейинги навбатда бошқа соҳада тадқиқотларини давом эттириши, оқибатда бир қанча мутахассисликлар бўйича докторлик даражасини қўлга киритиши мумкин. Бу кейинчалик фанлараро тадқиқотлар олиб бориш учун зарур малакаларни эгаллашга имкон беради. Фанлараро тадқиқотлар ҳозирда тадқиқотчилик фаолиятининг кам ўзлаштирилган соҳаси бўлиб турибди, қолаверса ҳал этилиш керак бўлган замонавий муаммолар ҳам фанлараро тадқиқотларни талаб этмоқда;

– Таянч докторантура ҳамда докторантурага квоталар ажратишни эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб, пухта ўйланган тарзда, чуқур ҳисоб-китоблар асосида ташкил этиш, бунда жамиятнинг турли соҳалари ҳамда тармоқларидаги долзарб муаммоларни ҳисобга олиш фавқулодда аҳамиятга эга. Амалдаги тартибга кўра илмий ва таълим ташкилотлари асосан квота ажратиш бўйича таклифларни реал эҳтиёжлардан эмас, балки ўз имкониятларидан келиб чиқиб тегишли идораларга киритмоқда. Натижада аксарият тадқиқот ишлари долзарб амалий аҳамиятга эга бўлган муаммолардан узилиб қолмоқда. Бунда илмий ва таълим ташкилотлари томонидан мақсадли докторантурага кенгроқ эътибор қаратиш, идоралараро ва давлатлараро мақсадли докторантура бўйича кўпроқ таклифларни киритиш, бу борада иқтисодиёт тармоқлари билан ҳамкорликни кучайтириш ушбу муаммони ҳал этишга кўмак бериши мумкин;

– Олий таълимдан кейинги таълим фақатгина академик компетенцияларни шакллантириш билан чекланиб қолмаслиги зарур. Бунинг учун таянч докторантура ва докторантура дастурларига замонавий профессионал малакаларни ўзлаштиришга имкон берувчи курсларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Яқин келажакда илмий ва таълим ташкилотлари зарур даражада илмий даражали кадрлар билан “тўйиниши” муқаррар, бу ҳолатда илмий даражага эга кадрлар ноакадемик соҳаларда, профессионал малакалар талаб этиладиган тармоқларда фаолият юритишига тўғри келади. Академик ва профессионал компетенцияларга эга бўлган кадрлар иқтисодиётнинг локомотивига айланади.

ИЛОВА

1

Хорижий мамлакатларда олий таълимдан кейинги таълим

Т/р	Давлат номи	Олий таълимдан кейинги таълим босқичлари	Қабул жараёни	Давомий-лиги	Диссертация ҳимояси учун талаблар	Молиялаштириш миқдори (манбаи)
1	**Хитой Халқ Республикаси**	1-босқич (PhD)	Мутахассислик фани, она тили ва хорижий тилдан (инглиз тили) ёзма имтиҳон	3+1 йил	CSSCI (Chinese Social Sciences Citation Index) тизимида импакт факторга эга илмий журналларда 2 та илмий мақола нашр этиш; Илмий раҳбар томонидан белгиланган фанларни ўзлаштириш	Минимум 500 АҚШ доллари (Давлат бюджети, турли хил лойиҳалар)
2	**Нидерландия**	1-босқич (PhD)	Инглиз тилидан TOEFL/IELTS сертификати (6,5); мутахассислик фани ва илмий тадқиқот иши режаси юзасидан суҳбат (Research Proposal)	4 йил	Минимум 1 та мақола (илмий журнал нуфузи белгиланмаган) нашр этиш (муассасада ташкил этилган Экспертлар кенгаши мақолани таҳлил қилади); Мутахассислик фанларидан ўқиш (минимум 30 кредит йиғиш)	Минимум 1 200 АҚШ доллари (Давлат бюджети, турли хил лойиҳалар)

3	Германия	1-босқич (PhD)	Хорижий тилдан (инглиз тили) ёзма имтиҳон; мутахассислик фани ва илмий тадқиқот иши режаси юзасидан суҳбат (Research Proposal)	3-4 йил	Минимум 2 та мақола (илмий журнал нуфузи белгиланмаган) нашр этиш	Минимум 1 500 АҚШ доллари (Давлат бюджети, турли хил лойиҳалар)
4	Хиндистон	1-босқич (PhD)	Илмий тадқиқот иши режаси ёзма тақдим этилади; суҳбат (Research Proposal)	3-5 йил	Минимум 2 та мақола (илмий журнал нуфузи белгиланмаган) нашр этиш; Ўқишнинг 1-йили якунида илмий тадқиқот иши ёзма тақдим этилади/кейинги босқичга ўтиш учун имтиҳон топширилади	Харажатлар олдиндан белгиланмаган (асосланган молиялаштириш илмий-тадқиқот муассасаси томонидан қопланади)
5	Канада	1-босқич (PhD)	Магистратура дипломида тўплаган балл халқаро даражада 3-4 бўлиши; GRE (Graduate Record Examinations) ёки GMAT (The Graduate Management Admission Test) имтиҳони; IELTS/ TOEFL сертификати	3-6 йил	Минимум 2 та мақола (илмий журнал нуфузи белгиланмаган) нашр этиш; Илмий тадқиқот методологияси; педагогика ва мақола нашр этиш бўйича махсус курслар якунида имтиҳон топшириш белгиланган	Танлов асосида Давлат бюджетидан стипендия тўланади

6	Австрия	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи иловасидаги балл иноватга олинади; IELTS/TOEFL сертификати; мотивация хати; тавсияномa; Илмий тадқиқот иши режаси ёзма тақдим этилади; суҳбат (Research Proposal)	3-4 йил	1-ўқув йилида мутахассислик фанлари ва илмий тадқиқот методологияси курсларидан маъруза/семинар машғулотлари ўтилади; курслар якунида имтихон топширилади; диссертация мавзуси тасдиқланади; диссертация ҳимояси учун минимум 2 та илмий мақола нашр этиш белгиланган	Ассосан илмий лойиҳалар доирасида молиялаштирилади (Докторантурада ўқиш даврида қўшимча меҳнат фаолиятига рухсат берилади)
7	Дания	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи иловасидаги балл иноватга олинади; IELTS (6,5); TOEFL (83) сертификати; мотивация хати; тавсияномa; Илмий тадқиқот иши режаси ёзма тақдим этилади; суҳбат (Research Proposal)	Магистр дипломи билан 3 йил, бакалавриат дипломи билан 4 йил	Данияда докторантура 2 та категорияга ажратилади: 1-категория: Университетда бажарилувчи стандарт докторантура; 2-категория: Саноат корхоналари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тегишли илмий тадқиқот мавзулари доирасида бажарилувчи докторантура (бунда дастлабки 3 ой давомида саноат корхонаси билан ҳамкорликда аниқ масала ечимига йўналтирилган илмий тадқиқот режаси тузилади; навбатдаги 6 ой давомида белгиланган ўқув режа бўйича таълим олинади).	Давлат бюджети, турли хил лойиҳалар

8	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи иловасидаги балл инобатга олинади; IELTS/TOEFL сертификати; 2 йиллик иш стажи; мотивация хати; тавсиянома; Илмий тадқиқот иши режаси ёзма тақдим этилади; суҳбат (Research Proposal); нашр этган илмий ишлари нусхалари ва қисқа резюме тақдим этилади	4 йил	Финландияда докторантура 2 та категорияга ажратилади: 1-категория: Миллий дастур доирасидаги докторантура давлат миқёсида долзарб мавзулар доирасида илмий тадқиқотлар амалга оширилишини белгилаб беради; 2-категория: тадқиқотчи илмий тадқиқот мавзусини ўзи мустақил равишда танлайди. Докторантурада ўқиш назарий маъруза, семинарлар, дарслар, конференциялар шаклида ташкил этилади; ўқиш даври якунида имтихон топширилади, диссертация мухокама қилинади	Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади (шунингдек, Университетлар томонидан тадқиқотчиларга ўртача 1 968 АҚШ доллари миқдорида ойлик маош тўланувчи қўшимча иш таклиф этилади)
Финляндия					
9	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи иловасидаги балл инобатга олинади; IELTS/TOEFL сертификати; Илмий тадқиқот иши режаси ёзма тақдим этилади; суҳбат (Research Proposal).	3 йил	Австралияда докторантура 2 та категорияга ажратилади: 1-категория: стандарт PhD; 2-категория: Professional doctorate — илмий тадқиқот натижалари амалиётга қўллашга йўналтирилади. Одатда диссертация иши ҳимоя қилинмайди, диссертация ишини 4-10 нафар соҳа мутахассисларидан ташкил топган экспертлар кўриб чиқади ва хулоса беради	Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади, шунингдек, докторантлар учун турли хил илмий дастурлар мавжуд бўлиб, йилига ўртача 10 813 АҚШ долларигача стипендия олиш имконияти яратилади)
Австралия					

10	**Италия**	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи иловасидаги балл инобатга олинади; IELTS/TOEFL сертификати; Илмий тадқиқот иши режаси ёзма тақдим этилади	3-5 йил	1-босқичда мутахассислик фанлари ва илмий тадқиқот методологияси бўйича курслар ўтилади; 2 та илмий мақола нашр этилади (илмий мақолалар экспертлар томонидан кўриб чиқилади)	Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади, шунингдек, докторантлар учун турли хил илмий дастурлар мавжуд бўлиб, йилига ўртача 10 000 АҚШ долларигача стипендия олиш имконияти яратилади)
11	**Чехия**	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи иловасидаги балл инобатга олинади; IELTS/TOEFL сертификати; диссертация аннотацияси юзасидан суҳбат/тест	3-4 йил	Докторантурада назарий ва амалий фан дастурлари бўйича курслар ўтилади; курслар якунида дастлаб оғзаки имтиҳон, иккинчи босқичдадиссертацияишиҳимояси;минимум 2 та илмий мақола нашр этиш белгиланган (шунингдек, илмий конференцияларда маъруза)	Ҳар бир университетда миқдорини илмий тадқиқотлардани келиб чиқиб ўзи белгиловчи дастур мавжуд (докторантларга ўртача 1 737 АҚШ доллари миқдорида стипендия тўланади).
12	**Буюк Британия**	1-босқич (PhD)	Магистр дипломи; IELTS/TOEFL сертификати; университет ва ўқув дастурлари турига боғлиқ кўшимча имтиҳон ва суҳбат; Илмий тадқиқот иши режаси (Research Proposal)	Кундузги таълим — 3-4 йил Сиртқи таълим — 5-7 йил	Диссертацияни (Doctoral thesis) расмийлаштириш аниқ талаблари мавжуд; диссертация 2 нафар ва ундан ортиқ экзаменаторлар олдида оғзаки (viva voce) ҳимоя қилинади (ёпиқ эшиклар ортида; Оксфорд ва бошқа айрим университетларда ҳимоя жараёнида университет вакиллари иштирок этиши мумкин)	2 800 (кундузги); 10 000 (сиртқи) фунт стерлинг (Оксфорд/Кембридж 20 000 фунт стерлинг; 1 фунт стерлинг=1,35 АҚШ доллари)

13	**Япония**	Магистр дипломи; Мутахассислик ва хорижий тил бўйича ёзма ва оғзаки имтиҳон	3 йил	Докторантурада мутахассислик бўйича махсус курслар ўтилади; илмий раҳбар назоратида семинарларда иштирок этилади; илмий тадқиқот ишлари бажарилади; юқори импакт факторга эга илмий журналларда 2-4 та илмий мақола нашр этиш белгиланган; диссертация нашр этилган илмий мақолалар асосида расмийлаштирилади ва оғзаки ҳимоя қилинади	5 000-15 000 АҚШ доллари
14	**Янги Зеландия**	Бакалавр (85-100 балл) ёки магистр дипломи; IELTS (6) сертификати;	3 йил	Докторантурада мутахассислик фанлари ва илмий тадқиқот методологияси бўйича курслар ўтилади; диссертация ҳимояси учун минимум 2 та илмий мақола нашр этиш белгиланган	5 000-20 000 АҚШ доллари (стипендия йилига ўртача 25 000 АҚШ доллари)
17	**Россия**	Мутахассислик фанлари ва хорижий тилдан билет шаклида оғзаки ва ёзма имтиҳон	3 йил	Диссертация белгиланган тартибда расмийлаштирилади, оғзаки ҳимоя қилинади	20 000 рубль (1 рубль=0,0014 АҚШ доллари)
19	**Жанубий Корея**	IELTS (6); TOPIK Level 3	3-4 йил	2 йил давомида мутахассислик фанлари ва илмий тадқиқот методологияси курслари ўзлаштирилади (30-36 кредит)	4 397-16 489 АҚШ доллари
		1-босқич (PhD)	1-босқич (PhD)	фан номзоди/ фан доктори	Жанубий Корея асосан PhD; шунингдек, DSc, DBA мавжуд

20	**Франция**	1-босқич (PhD)	TOEFL (600), IELTS (6-7), DALF, DELF, CFP, DFA1/DFA2, TCF; мотивация хати; илмий тадқиқот резюмеси	3 йил	1-йил давомида илмий тадқиқот методологияси ва мутахассислик фанлари бўйича курслар ўтилади; диссертация ҳимояси учун илмий мақола нашр этилмаган ҳолатда ҳам рухсат этилиши мумкин (одатда 1-2 та мақола нашр этиш белгиланган); диссертация жюри олдида 2-3 соат давомида ҳимоя қилинади; бунда диссертация матнига ўзгартиришлар киритилиши мумкин, диссертация ҳимоядан кейин чоп этилади (30-40 нусхада); ҳимоядан кейин расмий банкет/фуршет ташкил этилади	Давлат бюджети ва докторантура бўйича 600 дан ортиқ лойиҳалар (стипендия ўртача 1 000-2 000 евро)
21	**Украина**	2-босқич: Аспирантура Докторантура	Аспирантура: Фалсафа; мутахассислик фани ва хорижий тилдан билет шаклида ёзма/оғзаки имтиҳон; документлар жилди; диссертация аннотацияси Докторантура: Документлар жилди; автореферат, маъруза, суҳбат	Аспирантура — 4 йил; Докторантура — 2 йил	Қабул қилингандан кейин 3 ойдан кейин диссертация мавзуси тасдиқланади ва илмий раҳбар тайинланади; минимумларини (мутахассислик фани; фалсафа, хорижий тил) топшириш (оғзаки/ёзма, тест); илмий мақолалар нашр этиш; белгиланган тартибда диссертацияни расмийлаштириш ва оғзаки ҳимоя; муддатидан олдин ҳимоя қилган аспирант/докторантга ўқиш муддатининг қолган даври учун стипендия тўлиқ берилади	Давлат бюджети ва лойиҳалар ҳисобидан молиялаштирилади. Аспирантура: 26 890 грн Докторантура: 28 794 грн (1 гривна=0,038 АҚШ доллари)

МУНДАРИЖА

Кириш 3

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

OECD мамлакатларида докторантура таълими трансформацияси.....4
Олий таълимдан кейинги таълим структураси 5
Хорижда докторантура турлари 6
Қабул жараёни 7
Таълим давомийлиги 8
Диссертация ҳимояси учун талаблар 8
Олий таълимдан кейинги таълимда "Университет 3.0" концепцияси..... 10
Олий таълим муассасаси ҳамда саноат ўртасида ҳамкорлик..... 10
Олий таълимдан кейинги таълимда давлат ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик 11

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ (ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)

Қозоғистонда олий таълимдан кейинги таълим: Болонья жараёнига қўшилиш ва унинг оқибатлари 12
Қозоғистонда илмий даражали кадрлар тайёрлаш статистикаси 16
Ўзбекистонда олий таълимдан кейинги таълим: асосий тенденциялар 17
Олий таълимдан кейинги таълимни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар.....21
Илова 24

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН
КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадиий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусаҳҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиев

Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. “Pragmatica” гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-19.
Баҳоси шартнома асосида.
“Yetakchi nashriyoti”, 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
“Mehr-nuri nashriyoti” УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Олий таълимдан кейинги таълим:

хорижий тажриба ва миллий амалиёт

ISBN 978-9910-9632-8-5